*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 22 январь, чоршанба • № 7 (10.885) • Эркин нархда сотилади

# ЕВРОПАГА ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР



*Суратда: Президент Ислом КАРИМОВнинг Чехия Республикаси Президенти Вацлав ГАВЕЛ билан учрашув пайти.*

***Шу йилнинг 14-17 январь кунлари Президент Ислом Каримов бошлиқ мамлакатимиз расмий делегациясининг Чехия Республикасига ва Словакия Республикасига расмий ташрифи муваффақиятли ўтди.***



*Суратда: Президент Ислом КАРИМОВ ва Словакия Республикаси Президенти Михал КОВАЧнинг учрашув пайти.*

## ТАРАҚҚИЁТГА ДАХЛДОР ЮРТ

Мустақилликнинг тарих учун бир лаҳзадек беш йиллик йўлини босиб ўтиш даврида Ўзбекистон ташқи сиёсати ва иқтисодий алоқаларида қўлга киритилаётган ютуқлар мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига тобора чуқурроқ кириб бориши учун хизмат қилаётир. Мамлакатимиз раҳбарининг ана шу мақсадга қаратилган 1997 йилдаги хорижга илк расмий ташрифи Чехия Республикасидан бошланди.

Ўзбекистон Чехия билан аввалги савдо-иқтисодий алоқаларни тиклаш ҳамда уни мазмун ва шакл жиҳатдан бойитишга қизиқиш билдираётган бўлса, Чехия мамлакатимиз билан манфаатли ҳамкорлик орқали Марказий Осиё бозоридан мустаҳкам ўрин олишдан манфаатдордир. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг, Чехия эса Европанинг марказида жойлашган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бу мамлакатда ўтказган ҳар бир учрашув ва мулоқотида ана шу ўзаро муштоқлик сезилиб турди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Президент Вацлав Гавел билан бўлган суҳбати ғоят сермазмун ўтганини таъкидлаш жоиз. Президент Вацлав Гавел Чехия ҳукумати Ўзбекистондаги ўзгаришлар жараёнини диққат билан кузатиб бораётганини, мамлакатимиз билан Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ва сиёсий барқарор давлат сифатида ҳамкорлик қилишга қизиқиши юқорилигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги самарали ҳамкорлик равнақи мамлакатимизнинг Европа ҳамжамиятига мувофиқлашувининг яна бир омили эканини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Чехиянинг Европа Иттифоқи ҳамда НАТОга аъзо бўлиш борасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ҳар икки давлат Президентлари учрашув ниҳоясида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзоладилар. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ҳамкорлигининг бош йўналишини белгилаб беради.

Олий даражадаги учрашув Чехия Президенти саройида — пойтахтдаги энг баланд тепаликда жойлашган маҳобатли Прага қасрида бўлиб ўтди. У Прага саройи, чех тилида эса «Прага ради» дейилади. Бу ҳақда гапиришдан мақсад, Чехия мустақиллигига умрини бағишлаган ушбу миллат қаҳрамонлари билан мазкур қаср ўртасида рамзий боғлиқлик бор. Файласуф ва гуманист Т. Масарик йўлбошчилигидаги ватанпарварларнинг узоқ йиллик курашларидан кейин 1918 йили Чехия мустақиллиги тикланган, Т. Масарик эса Чехиянинг биринчи Президенти этиб сайланган эди. Чехия халқи учун ватанпарварлик тимсолига айланган Масарик Прага қасрини ўз қароргоҳига айлантириб, унинг тикланишини Чехиянинг тикланиши, маънавий уйғониши билан боғлади.

Чехия озодлиги учун кўп йиллар мардонавор курашган яна бир инсон — таниқли эрксевар ёзувчи Вацлав Гавел бугун Прага қасрининг — Чехиянинг аввалги шон-шуҳратини қайта тиклаётир. Шу боис, Масарик ва Вацлав Гавел шахси ҳамда Прага қасри мустақил Чехия тарихидаги бир-бирига уйғун тушунчалардир.

Бугун Чехия собиқ социалистик лагерь давлатлари орасида бозор иқтисодиёти муносабатларини жадаллик билан қарор топтираётгани, саноатининг ривож топиб, ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиб бораётгани билан алоҳида ажралиб туради. Бу бежиз эмас. Чунки шўро замонида бизга коммунистик ғоя мажбуран сингдирилгани каби Чехия ҳам аввал бошданоқ бу тузумнинг ўзи учун бегоналигини ҳис қилиб келган. Қолаверса, ўша даврлардаёқ, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, саноат ривожи жиҳатидан собиқ СССРга тобе бўлган Шарқий Европа давлатлари ичида илғор бўлгани яхши маълум.

Иқтисодий ўтиш даврида Чехиянинг муайян ютуқларга эришишининг сабаби бир жиҳатдан ана шу тарихий ва миллий тараққиёт анъаналарига боғлиқ. Бундан ташқари, ривожланган Европа ҳамда ривожланаётган Шарқий Европа давлатлари билан чегарадош мамлакат хоҳ ихтиёрий, хоҳ беихтиёр бўлсин «тараққиётга дахлдордир». Чехияда иқтисодиётни юксалтиришда ўзига хос йўллардан борилаётганини ҳам назардан соқит қилмаслик керак.

Биргина мисол, Чехия аҳоли жон бошига ўтказилаётган кўргазмалар сони бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига кирса ҳам ажаб эмас. 1995 йилда мамлакатда 300 га яқин кўргазма намойиш этилган бўлса, ўтган йили 400 дан зиёд ана шундай тадбир ўтказилди. Демак, йил давомида бирор бир хорижий ёки маҳаллий фирма ўз товари ҳамда хизматини намойиш этмаган кун бўлмади, дейиш мумкин. Албатта, бу Чехия иқтисодиётининг жонланишидан дарак беради. Чунки, кўргазмаларни иқтисодиёт ривожининг сейсмографи ёки шу йўлдаги жонсараклик кўриниши дейиш мумкин. Мамлакатнинг Прага каби йирик шаҳри Брно чин маънода кўргазмалар шаҳрига айланган.

Чехия сиёсий ҳаётидаги яна бир муҳим масалалардан бири ҳақида тўхталиб ўтишимиз ўринли бўлади. Чехия ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири НАТО билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда яқин келажакда унга аъзо бўлишдир. Мамлакатимиз раҳбари Чехиянинг бу борадаги ҳаракатини маъқуллар экан, ҳар бир давлат қайси ташкилотга аъзо бўлиш-бўлмаслик масаласини ўз хоҳиш-иродаси ила ҳал қилишини, унга ташқаридан туриб кўрсатма бериш ноўрин эканини таъкидлади. Шу боис, Чехия матбуоти Президент Ислом Каримовнинг бу баёнотига катта эътибор берди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Чехия Бош вазири Вацлав Клаус билан ўтказган музокаралари ҳам ғоят самарали бўлди. Музокаралар чоғида томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш, нафақат ҳукумат даражасида, балки икки мамлакатнинг турли ташкилотлари ва фирмалари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама этдилар. Чехиянинг машҳур «ЧКД Прага Холдинг», «Шкода», «Татра» каби фирмалари билан ҳамкорлик борасидаги Ўзбекистоннинг аниқ таклифлари қўллаб-қувватланди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳақидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Чехия «Коммерчни банк»и ўртасида ўзаро меморандумлар имзоланди.

Бундан ташқари, ташриф давомида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан «Чедок» сайёҳлик корпорацияси ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги битим, республикамиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан «ЧКД Прага Холдинг», «Шкода» ва «Мотоков» ҳиссадорлик жамиятлари ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги битимларга эришилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан «ЧКД Прага Холдинг», «Шкода» ўртасида биргаликда фаолият кўрсатиш муддаолари ва асосий тамойиллари ҳақидаги протоколларга қўл қўйилди.

Имзоланган мазкур ҳужжатлар аҳамияти ҳақида мушоҳада қилиш учун биргина «ЧКД Прага Холдинг» бўлимларининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида тўхтаб ўтиш кифоя. Айни пайтда «ЧКД Электротехника» Ўзбекистонга электр узатиш қурилмалари, «ЧКД Хоцен» совутиш компрессорлари, «ЧКД Компрессори» Фарғонадаги нефткимё комбинати учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб беришга тайёр. Янада кенг кўламли ишлар «ЧКД Транспорт тизимлари» билан биргаликда амалга оширилмоқда. Ушбу фирма бугунгача Тошкентга 83 та замонавий трамвай вагонлари етказиб берди ва жорий йилда пойтахтимиз кўчаларида Чехиянинг бундай қулай транспорт воситалари сони янада кўпаяди.

Музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликни юқори поғонага кўтариш учун ҳуқуқий асос солинди. «ЧКД» билан ҳамкорликда Тошкентда трамвайларга биргаликда хизмат кўрсатиш, уларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва кейинчалик трамвайларни шу ернинг ўзида йиғадиган қўшма корхона барпо этишга келишиб олинди. Бундан ташқари, «ЧКД» билан кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сафар давомида Чехия Республикаси парламентига ташриф буюриб, сенат раиси Петр Питгард билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбарининг яна бир самимий мулоқоти Прага шаҳар кенгаши аъзолари билан бўлди. Президент Ислом Каримов тарихий обидаларга бой ва улуғвор Прага умумевропа маданий ва маънавий ўтмишининг бир қисми ва айни пайтда замонавий саноат маркази эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, Прагада ўрта асрларга хос маҳобат ва сокинлик бугунги Европа цивилизациясига хос жўшқин ҳаётга уйғунлашиб кетган.

Президент Ислом Каримов Прага ҳокими Ян Коукалга Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан зарб этилган олтин нишон ҳадя этди. Ян Коукал Ўзбекистон раҳбари янги мустақил давлатлар раҳбарлари орасида Прага ҳокимлигига ташриф буюрган илк Президент эканини қайд этиб, дўстлик ва ишонч рамзи сифатида Ислом Каримовга Чехия пойтахтининг рамзий калитини топширди. Мамлакатимиз раҳбари Чехия пойтахтидаги Страхов монастири, унинг дунёга машҳур ва бой кутубхонаси билан ҳам танишди. Кутубхонада тиббиёт, фалсафа, тарих ва бошқа кўплаб фанлар, ҳатто саноат ва тўқимачилик, ҳунармандлик тарихига оид минглаб қадимий қўлёзмалар ҳамда китоблар сақланади.

Ўзбекистон раҳбарининг Чехия тадбиркорлари билан мулоқоти ҳам сермазмун ўтди. Чехия тадбиркорлари Ўзбекистонда хорижий сармоядорларга яратилган шароит билан қизиқишди ва кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми камайганини эътироф этиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида турли таклифлар билдирдилар.

Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар янги поғонага кўтарилди ва ҳар икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилувчи ҳужжатлар билан бойиди.

«Чехияда одамлар кўп ҳол-

**(Давоми 2-бетда).**

## «ШАРҚ» ЗИЁКОРИ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни бугунги кунда газета ва журналлар билан бирга кўплаб китоблар нашр этаётган улкан зиёхонага айланган. Бу ерда дарсликлар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, «XX аср ўзбек романи» туркумида китоблар, тақвимлар ва бошқа босма маҳсулотлар чоп этилиши кенг йўлга қўйилди. Натижада, кейинги тўрт йил мобайнида қаттиқ муқовадаги китоблар босиб чиқариш 3,5 баравар ошди. Бу, албатта, корхонага ўз китоб дўконини ташкил қилиб, босма маҳсулотларни ана шу даргоҳда сотиш эҳтиёжини туғдирди. Шинам қилиб безатилган янги зиёхонага ўзига мос равишда «Шарқ зиёкори» деб ном берилди. Куни кеча унинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Янги китоб дўкони концернда чоп этилган китоблардан ташқари ҳамдўстлик ва бошқа хорижий мамлакатлардан олиб келинган сара асарлар, шунингдек, мўйқалам усталари, халқ ҳунармандлари яратган буюмлар билан ҳам савдо қилади.

***Амир СОАТОВ.***

*Фармон ва ижро*

## «ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ...»

***АЙТИШ керакки, Тошкент вилояти давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси 1996 йилда барча режаларни ортиғи билан бажарди. Шаҳарлараро халқаро сўзлашувлар сони 5 миллион 132 мингтага етган бўлса, жўнатилган шошилинчномалар сони 104 мингдан ошиб кетди. Ҳозирги пайтда вилоятда 186 минг телефон нуқтаси ишлаб турибди.***

***Жанубий Кореянинг «ДЭУ — телеком» фирмаси билан ҳамкорликда вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларида рақамли станциялар қурилиши ва жиҳозланиши ниҳоясига етди. Улар учун кадрлар тайёрланди. Айрим туманларда эса электр алоқа тармоқлари сифатли таъмирдан чиқди.***

***Корхона бошлиғи Муҳаммаджон СОДИҚОВ билан суҳбатимиз ўтган йили эришилган ютуқлар, келгуси вазифалар, айни пайтда долзарб муаммолар, мазкур соҳада абонентлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар хусусида борди.***

**— Муҳаммаджон Содиқович, бажарилган ишларга қарамай, кайфиятингиз нохушроқ кўринади. Бунинг сабаби борми?**

— Дарҳақиқат, сездингиз. Корхонамиз йил давомида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникациялар тармоғини 2010 йилгача бўлган давргача қайта таъмирлаш ва ривожлантириш Миллий дастури тўғрисида»ги қарорига кўра анча тадбирларни амалга оширди. Аммо, кўнглимни хира қилиб турган бир муаммо борки, шу сабаб дилим равшан эмас. Бугун кўпроқ суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлишини истардим. Зеро, хизмат қилиб қўйиб, пулини ундира олмасликдан ҳам оғирроқ ташвиш йўқ экан. Вилоятда жуда кўплаб корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ҳокимликлар хизматимиздан тўла баҳраманд бўлганлари ҳолда, ҳақ тўлашга келганда улардан аксарияти ўзларини уёққа-буёққа ташлаяптилар. Бунинг оқибатида йил давомида аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишидаги тармоқдан 78 миллион сўмдан ортиқ пулимизни ташкилотлар тўлолмай қарз бўлиб қолдилар. Бундай аҳвол, шубҳасиз, ҳар томонлама салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Айни пайтда «бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури» деб, қарзни тўламай юрганлар Президентимизнинг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини бажармаслик — ноинсофлик эканлигини яна бир бор тушуниб олишса яхши бўларди...

**— Қарздорлик қайси жойларда кўпроқ?**

— Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларида айниқса, тўлов интизомига риоя этилмаяпти. Бу жойларда шундай корхоналар борки, уларнинг раҳбарларига мурожаат этавериб, баҳслашавериб, тоқатимиз тоқ бўлди.

**— Ана шундай иш юритаётган ташкилотлар тўғрисида батафсилроқ тўхтаб ўтолмайсизми?**

— Масалан, Олмалиқ аммофос ишлаб чиқариш бирлашмаси корхонамиздан 1 миллион 970 минг сўм, «Олмалиқсавдо» 1 миллион 13 минг сўм қарз. Бу корхоналар раҳбарлари Ибрагимов ҳамда Бердиқуловларга гўё тўлов интизоми тўғрисидаги фармон даҳлдор эмасдек. Ангрендаги 29-автокорхона 193,5 минг сўм, Бўстонлиқ туманидаги консерва заводи 537,7 минг сўм, «Хўжакент» жамоа хўжалиги 497 минг сўм, Қуйичирчиқ туман агросаноат уюшмаси 237 минг сўм, шу тумандаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги 314 минг сўм, Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги 214 минг сўм, Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги 228 минг сўм, Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли корпорация 128 минг сўм, Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги 302 минг сўм қарз бўлганлари ҳолда, уларнинг бошлиқлари А. Калиниченко, О. Рустамбеков, Т. Бейсебоев, П. Байдебов, У. Юнусов, З. Қўчқоров, Ф. Бегматов, Х. Бўтабоев, З. Зоидовларнинг ўзини бепарво тутиши кимни ажаблантирмайди, дейсиз. Ахир фармонни бажариш ҳар бир раҳбарнинг, жамоанинг муқаддас бурчи-ку. Уларнинг бепарволигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Яна шуниси қизиқки, қарзни тўламаганликлари учун жойлардаги шохобчаларимиз томонидан электр алоқа узиб қўйилса, айрим раҳбарлар дўқпўписага ҳам ўтмоқчи бўлишади.

**— Ўтган йили шартномага кўра Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» фирмаси билан ҳамкорликда вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларида рақамли станциялар ўрнатиб бўлинганлиги ва улар фойдаланишга топширилиш арафасида турганлиги ҳақида гапирдингиз. Бу борадаги ҳисоб-китоблар, тўлов интизоми қандай?**

— Аввало, шуни айтиш керакки, корхонамиз билан ҳамкорлик қилган бу фирма уч юз хилгача хизмат кўрсатадиган рақамли станцияларни вилоятга ўз вақтида етказиб берди. Шартномага кўра бошқа ижро ишлари ҳам муддатида бажарилди. Келишувимизга мувофиқ бу хизматлари учун шу йил июнь ойида шеригимизга 187 миллион сўм пул тўлашимиз керак. Аммо, бу станциялар ўрнатилган Олмалиқ шаҳри (28 миллион сўм), Бекобод шаҳри (25 миллион сўм), Янгийўл шаҳри (40 миллион сўм), Ангрен шаҳри (15 миллион сўм), Оққўрғон тумани (2 миллион сўм), Паркент тумани (2 миллион сўм) маблағни тўлиқ ўтказмай, тўлов интизомини бузмоқдалар. Ваҳоланки, вилоят ҳокимининг 1996 йил 5 январдаги фармойишига кўра мазкур ҳудудларда телефон тармоқларини ривожлантириш, мавжуд телекоммуникацияларни такомиллаштириш ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг бу соҳа бўйича «Миллий дастури»ни бажаришни кўзлаб юқоридаги шаҳар ва туманлар ҳокимликлари телекоммуникацияларни сотиб олиш учун зарур маблағларни корхонамизнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказишлари керак эди. Бу борада биз билан улар орасида шартномалар ҳам тузилганди. Афсус, телекоммуникациялар ўрнатиб берилганига қарамай, шартномаларнинг уларга тегишли қисми бажарилмади. Мазкур шаҳар ва туманлардан ҳисоб рақамимизга бор-йўғи 4 миллион 100 минг сўм пул ўтди, холос. Аҳвол шундай давом этаверса, шериклар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Шуни ҳисобга олиб, тегишли шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар Президентимизнинг тўлов интизоми тўғрисидаги фармонига риоя этган ҳолда, корхонамиз ҳисоб рақамига қарзларини тезроқ ўтказишлари зарур бўлади. Зеро, фармонни бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

***Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.***




## ЎЗИМИЗНИНГ РАНГЛИ ЦЕМЕНТ...

***МУТАХАССИСЛАРГА МАЪЛУМКИ, ЦЕМЕНТБОП ТОШ НАҚ 1800 ДАРАЖА ИССИҚДА КУЙДИРИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН ОЗМУНЧА ГАЗ КЕТАДИ, ДЕЙСИЗМИ?***

Айнан шу цемент «пишириш»га камроқ энергия сарфлаб, кўпроқ «ҳосил» олиш ниятида тажриба тариқасида Оҳангаронда илмий-тажриба цемент корхонаси очилганди... Айни дамларга келиб, бир-икки йиллик «таътил»да бўлган корхона «иштиёқ» билан меҳнат қилмоқчи.

Корхонанинг «тинчини» инглиз дўстларимиз бузди. Улар яқинда ташкил топган қўшма корхона учун ускуналар келтириб ўрнатишди. Шунингдек, корхонадаги эски мосламалар ҳам асқотди. Натижада, бу ерда оқ цемент ишлаб чиқара бошланди. Оқни эса истаган рангга бўяш мумкин. Шу тариқа, четдан келтирилган хом ашёларга муҳтож бўлмаган янги корхона вужудга келди.

***Т. ҚУЛБЕКОВ.***

## КЎНГИЛ ОЧИБ ҚАЙТИШДИ

— ТОШКЕНТГА кўп келганман, лекин, бу сафаргиси сира эсдан чиқмайдиган бўлди, — деди И. Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги аъзоси Маъмура Ҳайдарова. — Иш билан келиб-кетаверар эканмизу, аммо қадамжоларни зиёрат этмасдик. Ҳақиқатан ҳам яқинда Пискентдан Тошкентга ташриф буюрган 300 га яқин дала меҳнаткашларининг ярмидан ортиғи турли юмуш билан пойтахтга келиб кетиб юрган. Бироқ, уларнинг аксарияти сайёҳ сифатида илк бор сафар қилишди. Аёллар, аввало, бобомиз Амир Темур музейини томоша қилдилар. Сўнгра Тошкентнинг тарихий қадамжоларини зиёрат этдилар. Кечқурун Ҳамза номли театрда спектакл томоша қилишди. Туман хотин-қизлар кенгаши раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Меҳриниса Ҳайдарова бошлиқ пискентлик дала меҳнаткашлари Тошкентдан катта таассуротлар билан қайтишди.

***Собиржон ИНОМОВ.***

## «ИЙК ОТА»ДА ИШГА ТУШДИ

ЎТГАН йиллар ичида Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалигида қатор кичик цехлар фойдаланишга топширилган эди. Яқинда улар сафига қўзиқорин етиштириш цехи ҳам қўшилди. Тадбиркор Владимир Лим ташаббуси билан ташкил этилган «Лимли» фирмаси чиқараётган бу маҳсулот аҳолига манзур бўлмоқда.

Янги цех очилиши туфайли йигирма нафар киши янги иш жойига эга бўлди.

***Саид САИДАҲМЕДОВ.***

